

ILMIY-AMALIY JURNAL

Impact Factor: 5.394

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



6 JILD, 1

2025

YURISPRUDENSIYA

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 6, ISSUE 1



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish kafedrası professori Yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti v.v.b. rektori, Yuridik fanlar doktori, professor.

TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ |

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:

DAVRONOV ATOBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti jinoyat-protsessual huquqi kafedrası o'qituvchisi, PhD yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori.

KARIMOV FARHOD

Siyosiy fanlar doktori, dotsent,
A. Avloniy nomidagi
Malaka oshirish instituti prorektori;

BAZAROVA DILDORA

Toshkent davlat yuridik universiteti
jinoyat-protsessual huquqi kafedrası mudiri,
yuridik fanlar doktori, professor;

IMOMOV NURILLO

Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik huquqi
kafedrası mudiri, yuridik fanlar doktori, professor;

KHAIRIEV NODIRJON

O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
professor, yuridik fanlar doktori, dotsent;

NEMATOV JURABEK

Toshkent davlat yuridik universiteti
ma'muriy va moliyaviy huquq kafedrası
dotsenti, yuridik fanlar doktori, dotsent;

ISMAILOV SHUKHRATJON

Toshkent davlat yuridik universiteti mehnat
huquqi kafedrası mudiri, yuridik fanlar doktori;

KHABIBULLAEV DAVLATJON

Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik
procsessual va xo'jalik procsessual huquqi kafedrası
mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor;

OCHILOV HASAN

Yuridik fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent;

IBROKHIMOV JAMSHID

Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

GAFUROVA NOZIMAKHON

Toshkent davlat yuridik universiteti xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrası mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

NARZIEV OTABEK

Toshkent davlat yuridik universiteti xususiy
xalqaro huquq kafedrası i.o. professori,
yuridik fanlar doktori;

MUSAEV BEKZOD

Toshkent davlat yuridik universiteti
konstitutsiyaviy huquq kafedrası mudiri, yuridik fanlar
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

MURATAEV SERIKBEK

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi;

KAMALOVA DILDORA

Yuridik fanlar doktori, professor;

YUSUPOV SARDORBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti ma'muriy va
moliyaviy huquq kafedrası mudiri, yuridik fanlar bo'yicha
falsafa doktori (PhD), yuridik fanlar doktori, dotsent;

KHUJAEVA SHOKHJAKHON

Toshkent davlat yuridik universiteti
intellektual mulk huquqi kafedrası mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

CHORIEVA DILBAR

O'zbekiston Respublikasi O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi
i.o. dotsenti, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

SHAMSIDDINOVA OZODA

O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi
huzuridagi Sudyalar oliy maktabi i.o. dotsenti, yuridik
fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Халмуратова Шахназа Ибрагимовна	
ЭР-ХОТИННИНГ КРЕДИТГА ОЛИНГАН МУЛКИ БЎЛИНАДИМИ?.....	5
2. Махмудов Алишер Абдусалимович	
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ.....	13
3. Tashev Farruh Muzaffarovich Rasulova Sarvinoz Sobirjon qizi	
KONSTITUTSIYA – INSON SHA’NI, QADR-QIMMATI VA HUQUQLARINING MUSTAHKAM KAFOLATI.....	24
4. Hakimov Zarif Sharifboyevich	
JINOYAT PROTSESSIDA AYRIM TERGOV HARAKATLARINI OLIB BORISHNING KRIMINALISTIK METODLARI	31

Эр-хотиннинг кредитга олинган мулки бўлинадими?

**Фуқаролик ишлари бўйича
Гулистон туманлараро судининг
судьяси Халмуратова Шахназа
Ибрагимовна**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15103020>

Аннотация: Замон шиддат билан ўзгариб бораётган бир даврда тарафлар ўртасидаги низо турлари жумладан эр-хотин ўртасида кредит маблағи эвазига сотиб олинган мол-мулкни умумий мулк деб топиш ва улушини компенсация шаклида ундириш ҳақидаги даъволар сони ортиб бормокда. Даъвонинг мазмунига қараб кредит маблағига сотиб олинган мол-мулкнинг бўлиниши ёхуд компенсация ундириш тартиби юзасидан судлар томонидан бир хил амалиёт шакллантириш зарурияти туғилиб, мазкур даъво талабини ҳал қилиш тартиби ва қандай ҳолатларга яъни далилларга аҳамият бериши ҳақида кўникмаларни ҳосил қилиш зарурияти туғилиб, натижада қонун ҳужжатлари ва чет эл қонун ҳужжатларини ўрганиш талаб қилинади.

Калит сўзлар: эр-хотин, умумий мулки, кредит маблағи, улуш, компенсаци, далил.

Делится ли имущество супруга, взятое в кредит?

**Судья Гулистанского межрайонного суда по гражданским делам
Халмуратова Шахназа Ибрагимовна**

Аннотация: В эпоху стремительно меняющихся времен увеличивается количество споров между сторонами, в том числе увеличивается количество исков между мужем и женой о признании имущества, приобретенного в кредит, общей собственностью супругов и взыскании их доли в виде компенсации. В зависимости от содержания иска необходимо сформировать единообразную практику судами по разделу имущества, приобретенного в кредит, или порядку взыскания компенсации, а также приобрести навыки в порядке разрешения данного иска и на какие обстоятельства, то есть доказательства, обращать внимание, что требует изучения законодательства и зарубежного законодательства.

Ключевые слова: муж и жена, общее имущество, сумма кредита, доля, компенсация, доказательства.

Is the property of a spouse taken on credit divided?

Judge of the Gulistan Interdistrict Court for Civil Cases Khalmuratova Shakhnaz Ibragimovna

Abstract: In the era of rapidly changing times, the number of disputes between the parties increases, including the number of claims between husband and wife on the recognition of property acquired on credit as the common property of the spouses and the recovery of their share in the form of compensation. Depending on the content of the claim, it is necessary to form a uniform practice by the courts on the division of property acquired on credit, or the procedure for collecting compensation, as well as to acquire skills in the procedure for resolving this claim and what circumstances, that is, evidence, to pay attention to, which requires studying the legislation and foreign legislation.

Keywords: husband and wife, common property, loan amount, share, compensation, evidence.

Бугунги кунга келиб мол-мулкнинг вужудга келиш усулларининг турлари кенгайиб бормокда. Мулкнинг вужудга келиши, мулк шакллариининг вужудга келиши билан биргаликда мазкур мулкларни умумий мулклигидан келиб чиқиб, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунига қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, шунингдек, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган мол-мулклар агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Оила кодексининг 23-моддасининг 1-қисмига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг

қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади¹.

Россия Федерациясида Оила кодексининг 39-моддаси 3-бандига биноан, Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда эр-хотиннинг умумий қарзлари эр-хотинлар ўртасида уларга берилган улушларга мутаносиб равишда тақсимланади².

Қонунда кредит кимга берилганлиги ҳисобга олинмайди: одатда, барча маблағлар оилавий эҳтиёжларга йўналтирилади, шунинг учун ажралиш пайтида умумий қарзлар бўлиниши мумкин. Суд амалиёти, шунингдек, эр-хотиндан бирига берилган кредит, агар пул биргаликда ёки оила эҳтиёжлари учун сарфланган бўлса, ҳар иккала эр-хотин томонидан тўланишини тасдиқлайди, - дейди Авелан адвокатлик фирмасининг адвокати Максим Потураев. Бу кўпинча никоҳ даврида берилган ипотека кредитларида, қарз эвазига сотиб олинган квартира (уй) эр-хотиннинг умумий мулкига, ссуда эса умумий қарзга айланганда кузатилади”.

Шу ўринда Қозоғистон давлати Оила кодексининг 37-моддасида эр-хотиннинг умумий мулки бўлиниши ёритилган бўлиб, унга кўра, эр-хотин умумий мулкни тақсимлаш ҳақида никоҳ (турмуш) давомида ҳам, унинг бекор қилинишидан кейин ҳам ҳар қандай эр ёки хотин томонидан талаб қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин, шунингдек, кредиторнинг эр ёки хотиннинг умумий мулкдаги улушига нисбатан даъво қўзғаш талаби билан белгиланади.

Эр-хотин умумий мулкни эр-хотин ўртасида келишув асосида тақсимлаш мумкин. Умумий мулкни тақсимлаш бўйича келишув нотариал тасдиқланиши керак³.

Давлатимиздаги қонунчиликда ва Россия ҳамда Қозоғистон давлатларидаги эр-хотиннинг умумий мулки ва бўлиниш тартиби бир хил шаклда экалигига гвоҳ бўламиз.

Замон талабига кўра, мулк шакллариининг вужудга келиш асосларидан бири оилалар томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотларидан кредит маблағи ҳисобига уй-жой ва автомашина сотиб олиш ҳолатлари одатий тусга айланиб бормоқда. Мазкур ҳолатда эр ва хотин ўртасида кредит маблағига сотиб олинган кўчмас ва кўчар мол-мулклар ўз-ўзидан умумий мулк мақомига эга бўлиб, ушбу мулкларни тақсимлаш борасида бир қанча мауммоларни келтириб чиқараётганлигини кузатишимиз мумкин.

Судлар томонидан эр-хотиннинг мол-мулкни умумий мулк деб топиш, мол-мулкни натура шаклида бўлиш ёхуд ўз улушини компенсация шаклида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.

² Россия Федерациясининг Оила кодекси.

³ Қозоғистон Республикаси Оилқ кодекси

ундириш ҳақидаги даъволарни мазмунан кўриб чиқишда судлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 20.02.2023 йилги 3-сонли “Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол мулкани бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 2001 йил 6 декабрдаги Қонуни, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги Қонуни, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги 2021 йил 1 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2006 йил 4 октябрдаги “Ипотека тўғрисида”ги Қонунда баён қилинган қонун нормаларига эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрдаги “Ипотека тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига биноан, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича бир тараф — ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор бўлган гаровга олувчи (бундан буён матнда ипотекага олувчи деб юритилади) шу мажбурият бўйича ўзининг қарздорга нисбатан пул талаблари бошқа тарафнинг — гаровга қўювчининг (бундан буён матнда ипотекага қўювчи деб юритилади) гаровга қўйилган қўчмас мулки қийматидан ипотекага қўювчининг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли қаноатлантирилиш ҳуқуқига эга бўлади, ушбу Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонун асосидаги ипотекага нисбатан унда кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ипотека тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келадиган ипотека ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Ипотека асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳақиқий бўлади.

5-моддасида Ипотека, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси ёки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбуриятни, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонуннинг 62-моддасига кўра, қонунчиликка мувофиқ муайян қисмлари ипотекага қўювчининг ва бошқа шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлган кўп квартирали уйдаги квартира ипотекасида турар жой билан бир қаторда уйнинг умумий улушли мулк ҳуқуқидаги тегишли улуш ҳам гаровга қўйилган ҳисобланади¹.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрдаги “Ипотека тўғрисида”ги Қонун

Ушбу қонун ҳужжатидан кўриниб турибдику, демак кредит маблағига сотиб олинган уй-жойлар шу жумладан кўп квартирали уйдаги хонадонлар ҳам ипотека кредит маблағига сотиб олиниши ва ўз-ўзидан кредит маблағи берилган кредитор томонидан гаров мулки сифатида гаровга қўйилиши назарда тутилган. Бундай ҳолатда юқорида таъкидлаганимиздек, эр-хотин ўртасида биргаликда яшаган даврида кредит маблағига сотиб олинган кўчмас мулк қай тарзда тарафлар ўртасида умумий мулк деб топилиши ва улушлари компенсация шаклида ундирилишини аниқлаш лозим бўлади.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари келтирилган бўлиб, жумладан 1-қисмига биноан, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослар.

Шу ўринда умумий мулк тушунчасига таъриф бериш зарурияти туғилади. Юқоридаги Кодекснинг 216-моддасида, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади деб кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг 223-моддаси 6-7 қисмларига мувофиқ, улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорнинг улуши арзимас бўлган, амалда ажратиб берилиши мумкин бўлмаган ва у умумий мол-мулкдан фойдаланишдан катта манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Ушбу моддага мувофиқ мулкдор компенсация олганидан кейин умумий мол-мулкдаги улушига бўлган ҳуқуқини йўкотади¹.

Жумладан судга даъвогар ААА жавобгар БББга нисбатан уй-жойни бўлиб натура шаклида ўзига қолдириш, жавобгарга компенсация ундириш ҳақидаги ҳамда жавобгар БББнинг даъвогар АААга нисбатан ортирилган пул маблағларини умумий мулк деб топиш ва улушини ажратиб бериш ҳақидаги қарши даъво ариза билан мурожаат қилган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг асосий даъво талаби рад қилиниб, жавобгарнинг қарши даъво

⁵ Фуқаролик кодекси 1-қисми

талаби қаноатлантирилиб унга кўра, жавобгардан даъвогар фойдасига 13.100.158 сўм компенсация ундирилиши белгиланган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб даъвогар апелляция шикоятни билан муурожаат қилган. Вилоят судининг апелляция инстанциясининг ажрими билан мазкур даъво талаби ўзгартирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига ундирилиши белгиланган 13.100.158 сўм компенсация миқдори ўзгартирилиб, 34.689.917 сўм ундирилиши белгиланган. Апелляция инстанциясининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш учун асос бўлган ҳолат тарафлар ўртасидаги никоҳдан ажратилгунига қадар низоли бўлган уй-жой учун тўланган кредит маблағи жами 69.379.835 сўмни ташкил қилиши ва ушбу маблағлар тарафлар ўртасидаги умумий мулклар эканлигини инобатга олиб, шиноятни қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Судлар томонидан мазкур тоифа ишларни кўришда қийинчиликлар юзага келганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 20.02.2023 йилдаги 3-сонли “Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол мулкани бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори қабул қилинишига эришилди.

Ушбу Пленум қарорининг 21-бандига кўра, мулк ҳуқуқини вужудга келиши асосларидан бири битимлар бўлиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулк ҳам эр ва хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланиши белгиланган (ФК 182-моддаси).

Шунга кўра, ОК 28-моддасининг учинчи қисми талабидан келиб чиқиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулкни бўлишда судларнинг эътибори кредит шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган пул суммаси ҳам эр ва хотиннинг умумий қарз мажбуриятлари деб топилиши шартлигига қаратилиши назарда тутилган.

Суд ҳужжатида эр ва хотин уларга тақсимланган кўчмас мулкдаги улушларига мутаносиб равишда кредитор олдида жавобгар бўлади.

Кредит мажбуриятларини кўчмас мулкдаги улуши қийматидан ортиқ миқдорда бажарган эр ёки хотин кредит бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгандан кейин ўз улуши қийматидан ортиқ тўланган суммани ундириш ёки улушларни қайта тақсимлаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур тоифадаги ишларни кўришда судлар тегишли кредит ташкилотини мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишлари лозим.

Шунингдек, агар мол-мулк эр ёки хотиннинг бири томонидан никоҳга киргунига қадар кредит маблағлари эвазига сотиб олинган бўлиб, кредит

мажбуриятлари эса никоҳ давомида бажарилганда, никоҳ давомида тўланган пул суммаси эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади¹.

Мазкур Пленум қарорида эр ва хотин ўртасида кредит маблағига сотиб олинган кўчмас мулкнинг тақсимланиши ёритиб берилган бўлиб, кредитор ташкилоти яъни банк учинчи шахс сифатида жалб қилиниши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Яна бир суд қарори ўрганилганда кредит маблағига сотиб олинган кўчмас мулкларни тақсимлашда амалиётда хатоликлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Судга даъвогар ВВВнинг жавобгар ГГГга нисбатан турар жойни умумий мулк деб топиш ва ўзига тегишли улушидан компенсация ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилиб, Боғи Эрам маҳалласи, Янги лойиҳа кўчаси, 27-уй, 15-хонадонни даъвогарнинг ½ улуши пул кўринишида ажратилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 49.156.157 сўм ундирилиши, ва 49.156.157 сўм пул компенсация пули тўлиқ тўланганидан сўнг Боғи Эрам маҳалласи, Янги лойиҳа кўчаси, 27-уй, 15-хонадондаги даъвогарнинг 1/2 улушига нисбатан мулк ҳуқуқи тугатилиб, унинг ушбу улушига нисбатан жавобгарнинг мулк ҳуқуқи белгиланиши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар 2015 йил 20 сентябрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган.

Тарафлар биргаликдаги яшагна даврида 08.11.2019 йилдаги шаҳар ҳокимининг 2608-сонли қарорига кўра, Боғи Эрам маҳалласи, Янги лойиҳа кўчаси, 27-уй, 15-хонадон ГГГ номига давлат рўйхатидан ўтган.

Ҳоким қарори асосида ГГГга тегишли бўлган 15-хонадон АТ “Халқ банки” Амалиёт бўлими билан ГГГ ўртасида тузилган ипотека кредит шартномасига кўра, ушбу хонадоннинг нархи 104.380.000 сўмни ташкил қилган ва банк томонидан 104.380.000 сўм кредит маблағлари ажратилган.

АТ “Халқ банки” Амалиёт бўлимининг суд қарори чиқарилган кун ҳолатига берилган маълумотномасига кўра, мазкур 15-хонадон учун тўланган жами тўлов қиймати 63.519.066 сўмни ташкил қилади. Тарафлар ФХДЁ бўлими томонидан 2023 йил 4 декабрда қонуний никоҳдан ажратилган.

Суд мазкур ҳал қилув қарорини қабул қилишда тарафларнинг умумий рўзғор юритиб бир оила бўлиб яшаган даврдаги тўланган кредит маблағини умумий мулк деб топиш ва даъвогарнинг улушини мазкур суммадан келиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 20.02.2023 йилдаги 3-сонли “Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол мулкни бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори

чиққан ҳолда ундириши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ суд томонидан даъвогарга компенсация пули ҳал қилув қарори чиқарган кун ҳолатига банкдан маълумот олган ҳолда даъвогарнинг улушини компенсация шаклида ундириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, эр ва хотиндан бири нафақат нақд пул кўринишда олган мол-мулкига балки, кредит ташкилотларида яъни банклардан ҳам кўп йиллик кредит маблағига сотиб олган кўчмас мулкларга нисбатан ҳам улар бирга яшаган даврида ёхуд алоҳида яшаган даврларида ҳам умумий мулк деб топиш ва улушини компенсация шаклида ажратиш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутиш ҳамда кредит маблағига сотиб олинган уй-жойлар ёхуд автомашиналар қай тарзда тақсимланишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади ва бу билан ҳар икки тарафнинг ҳуқуқларини паймол бўлишини олди олинади.

Махмудов Алишер Абдусалимович,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси
E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15103025>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида хизматни ўташга доир қонун ҳужжатлари, прокуратура органларида хизмат ўташнинг ўзига хос жиҳатлари, хизмат ўташда прокуратура органлари ва муассасалари ходимларининг мустақиллик принципи, прокуратура органлари ходимлари томонидан риоя этилиши лозим бўлган ҳаракатлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, прокуратура органи ходими ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришдаги прокурор назоратининг хизматни ўташдаги аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш учун ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ишлари, Қозоғистон ва Беларус Республикалари тажрибаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мурожаат қилинган ва асослангизилган илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: прокуратура органлари, давлат хизмати, мустақиллик принципи, прокурор назорати, формали кийим-бош, прокурорларни танлаш, кадрлар заҳираси

Махмудов Алишер Абдусалимович,
самостоятельный соискатель Правоохранительной академии Республики
Узбекистан
E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА СЛУЖБЫ В ОРГАНАХ ПРОКУРАТУРЫ: АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются законодательные акты о прохождении службы в органах прокуратуры Республики Узбекистан, особенности службы в органах прокуратуры, принцип независимости сотрудников органов и учреждений прокуратуры при прохождении службы, а также действия, которые должны соблюдаться сотрудниками органов прокуратуры. Кроме того, освещается

значение прокурорского надзора при исполнении сотрудником органа прокуратуры возложенных на него обязанностей. Вместе с тем, для совершенствования порядка службы в прокуратуре Республики Узбекистан были изучены и были разработаны обоснованные научные выводы на основе исследовательских работ ученых-правоведов, опыта Республики Казахстан и Республики Беларусь, рекомендации Организации экономического сотрудничества и развития и других международных организаций.

Ключевые слова: органы прокуратуры, государственная служба, принцип независимости, прокурорский надзор, форменная одежда, отбор прокуроров, резерв кадров.

Makhmudov Alisher Abdusalimovich,

Independent researcher of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: alishermaxmudov@gmail.com

IMPROVING THE PROCURATOR'S SERVICE PROCEDURE: ANALYSIS OF NATIONAL LEGISLATION

ANNOTATION

The article analyzes legislation governing service in the prosecutor's offices of the Republic of Uzbekistan, the specific features of such service, the principle of independence of employees in prosecutor's offices and institutions during their service, as well as the actions that prosecutor's office employees must adhere to. Additionally, it highlights the importance of prosecutorial control in the performance of duties assigned to prosecutor's office employees. Furthermore, to improve the procedures for service in the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan, substantiated scientific conclusions were developed based on research by legal scholars, the experience of the Republic of Kazakhstan and the Republic of Belarus, and recommendations from the Organisation for Economic Co-operation and Development and other international organizations.

Keywords: prosecutor's offices, public service, principle of independence, prosecutorial supervision, uniform, selection of prosecutors, personnel reserve.

Давлат айнан давлат хизматини самарали йўлга қўйиш орқали ўз олдида қўйилган вазифа ва функцияларни тўлақонли амалга оширишга эришиши мумкин.

Прокуратура органларида хизматнинг ўзига хос жиҳатлари борасида махсус монографик тадқиқот олиб борган олимлар Марк Клочков ва Юрий Полетаевлар прокуратура органларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ўзининг назарий ва амалий аҳамияти жиҳатидан доимо долзарб бўлиб келганлигини таъкидлаш билан бирга прокуратура органларида хизмат давлат хизматининг алоҳида тури деган хулосага келадилар[1].

Бунда ушбу олимлар прокуратура органларида хизмат ўташнинг қуйидаги жиҳатлари мавжудлигини таъкидлайдилар:

1) хизмат ўташ жараёнидаги муносабатлар ёлланма ҳисобланган прокуратура ходими ва давлат номидан ҳаракат қилувчи прокуратура органи ўртасида вужудга келади;

2) хизмат ўташ жараёнидаги муносабатларнинг объекти муайян давлат мансабдор шахси зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳисобланади;

3) хизмат ўташ жараёнида вазифалар фақатгина прокуратура ходими томонидан бажарилади;

4) хизмат ўташ жараёнида субъектларнинг ҳуқ-атвори ходимлар хизмат ўтаётган прокуратура органларидаги ички интизом қоидаларига бўйсунилиши билан асосланади;

5) хизмат ўташ вақтида ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини ҳақ эвазига бажарадилар.

Яна бир ҳуқуқшунос олим С.П.Матвеев прокуратура органларида хизмат бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар ўртасидаги баҳсли масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бунда ушбу олим прокуратура органларида хизмат давлат хизматига хос бўлган умумий белгилар билан бирга, фақатгина прокуратура органларининг ўзига хос бўлган ноёб жиҳатлар билан ажралиб туришини ҳам алоҳида қайд этади.

Бунда С.П.Матвеев прокуратура органларида хизмат ўташнинг давлат хизматига хос бўлган умумий жиҳатлари сифатида қуйидаги белгиларни санаб ўтади:

- прокуратура органи ходими ҳам давлат хизматчиси ҳам ёлловчи сифатида давлат органида намоён бўлади;

- давлат хизмати ҳамда прокуратура органларида хизматга кириш, хизмат ўташ шартларини ўзгартириш ёки хизматдан бўшаш қоидалари қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади;

- прокуратура органлари хизматчилари бошқа давлат хизматчилари сингари ҳокимият ваколатларига эгадирлар;

- қонун ҳужжатларида давлат хизматчилари сингари прокуратура органлари ходимларининг ҳуқуқий мақоми, уларга нисбатан қўлланиладиган чекловлар, таъқиқлар ва давлат кафолатлари аниқ белгиланган бўлади.

Шу билан бирга, С.П.Матвеев фақат прокуратура органлари ва ташкилотларида хизмат ўташнинг ўзига хос бўлган қуйидаги алоҳида жиҳатлари мавжудлигини таъкидлайди:

а) прокуратура органларида хизмат ўташ тартиби бир нечта қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади;

б) Конституция билан қонунлар ижросини аниқ ва бир хилда назорат қилиш вазифаси прокуратура органлари ва ташкилотларида хизмат ўтаётган ходимларга юклатилган бўлади;

в) прокуратура органларида хизматга қабул қилишда номзоднинг малакаси ва ихтисослигига нисбатан алоҳида талаблар белгиланади;

г) прокуратура органларида хизматга биринчи маротаба қабул қилинаётган шахслар қасамёд қабул қиладилар;

д) прокуратура органлари ходимларига уларнинг курул олиб юришга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи махсус хизмат гувоҳномаси берилади;

е) прокуратура органлари ходимлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан махсус формали кийим-бош ёки ҳарбий кийим-бош билан таъминланадилар[2].

Бизнингча, С.П.Матвеев томонидан юқорида санаб ўтилган хизмат ўташда фақатгина прокуратура органларига хос бўлган хусусиятларнинг барчаси билан келишиб бўлмайди.

Масалан, прокуратура органларида хизматга биринчи маротаба қабул қилинаётган шахслар қасамёд қабул қилиши ҳақидаги талабни фақатгина ушбу органларга хос бўлган хусусият сифатида айта олмаймиз.

Ваҳоланки, илк маротаба хизматга қабул қилинган ходимларнинг қасамёд қабул қилиши лозимлиги ҳақидаги талаб Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари, судьялар, миллий гвардия ҳарбий хизматчилари учун ҳам назарда тутилган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) кираётганда ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қасамёд қабул қилишлари белгиланган[3]. Ўхшаш нормани “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасида[4], “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддасида[5] ҳам учратамиз.

Бундан ташқари, юқорида келтириб ўтилган прокуратура органлари ходимларининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан махсус формали кийим-бош ёки ҳарбий кийим-бош билан таъминланишлари ҳақидаги хусусият ҳам фақат прокуратура органларига хос бўлган хусусият эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасида ички ишлар органлари ходимлари бепул формали кийим-бош билан таъминланиши, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида эса, миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул, озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминоти билан таъминланиши назарда тутилган.

Шу сабабли ушбу хусусиятларда умумий бўлган ва махсус фақатгина прокуратура органлари учун хос бўлган хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин бўлади.

Яна бир ҳуқуқшунос олим В.Ю.Шобухин прокуратура органларида хизматнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилар экан асосий эътиборни хизмат ўташ билан боғлиқ масалаларнинг тарқоқ ҳолда тартибга солинганлигига қаратади. Бундай ҳолатни прокуратура органларида хизмат ўташдаги асосий муаммолардан бири сифатида таъкидлар экан айрим давлат хизматларининг бевосита қонун билан батафсил тартибга солинганлигини қайд этади. Ўзининг

ушбу позициясини эса, судьяларда хизмат ўташ билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг судлар фаолиятини тартибга солувчи қонунда белгиланганлиги билан асослашга ҳаракат қилади.

Шу билан бирга, В.Ю.Шобухин юқоридаги масаланинг ечими сифатида қуйидаги икки таклифни илгари суради:

1) прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ягона қонунда белгилаш орқали бир нечта тарқоқ қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солиш амалиётига барҳам бериш;

2) “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларида хизмат ўташга оид бўлган муҳим масалаларни алоҳида бўлим сифатида назарда тутиш[6].

Ўз навбатида В.Ю.Шобухин томонидан илгари сурилаётган прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ масалаларнинг бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши хусусияти Ўзбекистон Республикаси учун ҳам хослигини алоҳида қайд этиш жоиз. Бунда Ўзбекистон прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом[7], Бош прокурорнинг бир қатор буйруқлари билан ҳам тартибга солинади.

Эътиборли жиҳати, прокуратура органларида хизмат ўташнинг батафсил тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом “хизматда фойдаланиш учун” грифи билан қабул қилинган бўлиб, очик манбаларда мавжуд эмас.

Прокуратура органларида хизмат ўташ бошқа давлат органларида хизмат ўташга нисбатан бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бундай жиҳатлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) прокуратура органларида хизмат ўташ Конституцияда прокурорлар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган.

Конституциянинг 143-моддасига мувофиқ Бош прокурор ва унга буйсунувчи прокурорлар зиммасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Ўз навбатида прокуратура органларида хизмат ҳам биринчи навбатда Конституцияда мустаҳкамланган юқоридаги вазифани бажаришга қаратилиши билан ажралиб туради.

2) хизмат ўташда прокуратура органлари ва муассасалари ходимлари мустақиллик принциpidан фойдаланадилар.

Бунда мустақиллик принципнинг моҳияти Конституциянинг 145-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ прокуратура органлари ўз ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан, мансабдор

шахслардан мустақил равишда, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширади. Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Шу ўринда, Янги Ўзбекистон шароитида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича яратилган тизим, ушбу ислохот дастлабки йилларида ўзини муайян даражада оқлаган бўлса, сўнгги йилларда ушбу амалиёт прокурорларнинг мустақиллиги принципига, Конституциянинг юқорида зикр этилган 145-моддасига ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлаганини таъкидлаш жоиз. Ўз навбатида, қайд этиш жоизки, 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори миллий бошқарув тизимида туб бурилиш ясаган ислохотлардан бири бўлди. Мазкур қарор асосида жорий этилган секторлар тизими нафақат маҳаллий бошқарувни кучайтирди, балки давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни янги поғонага олиб чиқди. Секторлар тизимининг самарадорлиги бўйича илмий мунозаралар унинг афзалликлари ва мавжуд муаммолари ўртасида мувозанатни топиш масаласига боғлиқ. Бир тарафдан, маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш, бюрократияни камайтириш ва аҳоли эҳтиёжларини инобатга олиш нуқтаи назаридан секторлар тизими ижобий натижаларни берди. Аммо, коррупцияга қарши самарали механизмлар, қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги, ҳудудларда қонунийликни таъминлаш, прокурорларнинг мустақиллигини таъминлаш, яъни мустақил қарорлар қабул қилиш масалалари янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Бинобарин, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янгича илмий асосланган тизимини жорий этиш, бунда ушбу масалани тўлиқ ижро ҳокимиятига ўтказиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва махсус қонунларда белгиланган мажбуриятларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

3) прокуратура органларида хизмат ўташда ходимларга даражали ва ҳарбий унвонлар берилади.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддасига биноан прокуратура органлари ходимларига эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилиши белгиланган.

4) прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ қоидалар алоҳида қонуности ҳужжати билан тартибга солинади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 48-моддасига белгиланган қоидага мувофиқ прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон

Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, унда хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

5) прокуратура органларида хизмат ўташда қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш жавобгарликка сабаб бўлади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида прокуратура органлари ходимларига нисбатан қатъий талаб белгиланган бўлиб, унга кўра прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт ҳисобланади.

Мазкур талабнинг айнан прокуратура органлари ходимларига нисбатан Қонунда белгиланиши бежиз эмас. Зеро, прокуратура органларининг ходимлари хизмат ўташ жараёнида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида қонунийликни таъминлайдилар.

Шу сабабли ҳам, прокуратура органлари ходимларининг қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланиши ва жавобгарликка сабаб бўлиши қонунда қатъий мустаҳкамланган.

6) прокуратура органларида хизмат ўташ жараёнида прокурор талабларини бажаришнинг мажбурий ҳисобланиши.

Қонунчилик ҳужжатлари билан прокурор зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида унинг талабларини бажариш мажбурийдир. Бундай талаблар доираси амалдаги қонунда белгиланган.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

7) прокуратура органлари мансбдор шахсларининг муайян муддатга лавозимга тайинланиши.

Амалдаги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг лавозимга тайинланиши назарда тутилган.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида юқорида санаб ўтилган прокуратура органлари ходимларининг беш йил муддатга лавозимга тайинланиши белгиланган.

8) хизматни ўташ жараёнида прокуратура органлари ходимлари ўз ваколатлари доирасида тегишли прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Амалдаги қонунга мувофиқ прокурор назорати ҳужжатлари сифатида протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув назарда тутилган. Бунда прокуратура органи ходими ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қонунда белгиланган ваколат доирасида юқорида санаб ўтилган тегишли прокурор назорати ҳужжатларини қўллайди.

9) лавозимга тайинланадиган прокурорлар фаолиятини баҳолаб борилиши.

Қонун ҳужжатларида прокурорлар фаолиятини баҳолаш назарда тутилган. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти баҳоланади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади.

Бунда юқорида қайд этилган прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб, қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

10) хизмат ўтаётган прокуратура органлари ходимлари дахлсиз ҳисобланадилар.

Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлигининг мазмуни қуйидагиларда намоён бўлади:

а) прокурор, терговчи ва суриштирувчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади;

б) прокуратура органлари ходимларининг интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

11) хизмат ўташ вақтида прокуратура органларининг ходимлари, уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилади.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддасида прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлиши ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурталаниши белгиланган. Қолаверса, қонунда суғурта суммалари тўланадиган ҳолатлар ва уларнинг миқдори қатъий белгиланган.

Шунингдек, қонунга мувофиқ прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки

шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

12) прокуратура органларида хизмат ўташ вақтида ходимлар муайян чекловларга риоя этишга мажбурдирлар.

Прокуратура органлари ходимларига нисбатан қўлланилган чекловларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) прокуратура органлари ходимлари учун қонунда мустаҳкамланган асосий чекловлар;

б) Бош прокурор буйруқларида белгиланган қўшимча чекловлар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонунда белгиланган асосий чекловлар билан бирга Бош прокурор буйруқларида мустаҳкамланган қўшимча чекловлар ҳам юридик кучи жиҳатдан тенг бўлиб, прокуратура органларининг ходимлари хизмат ўташ жараёнида уларга қатъий риоя этишга мажбурдирлар.

Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органлари ходимлари учун бир қатор чекловлар назарда тутилган бўлиб, улар жумласига 43-моддада белгиланган ходимларнинг хизмат ўташ даврида илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишнинг тақиқланиши, 5-моддадаги сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туришлари, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Прокуратура органлари ходимлари учун Бош прокурор буйруқларида ҳам бир қатор қўшимча чекловлар белгиланган. Бунга мисол сифатида Бош прокурорнинг 2018 йил 19 декабрдаги 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб одобномасида қайд этилган чекловларни келтириш мумкин.

Мазкур чекловларда прокуратура органлари ходимлари томонидан риоя этилиши лозим бўлган кўплаб ҳаракатлар назарда тутилган бўлиб, улар жумласига хизмат вазифаларини бажаришда расмийлик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик, бошқа ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар содир этмаслик, майшатбозликка, совға ва бошқа моддий қимматликлар кўринишидаги проахўрликка йўл қўймаслик, прокуратура органларида ахборотларни тарқатишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш, Интернет тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг тартибига амал қилиш, фуқаролар ва ҳамкасбларига нисбатан хушмуомала бўлиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматида доғ туширувчи маълумотлар, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик кабиларни киритиш мумкин.

13) прокуратура органларида хизматга қабул қилишда муайян чекловларнинг мавжудлиги.

Амалдаги қонунчиликда прокуратура органларида хизматга қабул қилинадиган шахсларга нисбатан муайян чекловлар назарда тутилган. Масалан, судланган ёки ножўя хатти-ҳаракатлари содир этганлиги учун ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи, суд ёки бошқа давлат органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан бўшатишган шахслар прокуратура ораганларига хизматга қабул қилинмайди.

14) илк маротаба прокуратура органларида хизмат қабул қилинган шахслар бир йилгача бўлган муддатга иш ўрганишлари.

Қонунчиликка мувофиқ прокуратура органларига биринчи марта ишга қабул қилинган шахслар даражали унвон берилмаган ҳолда туман (шаҳар) прокуратураси ва уларга тенглаштирилган прокуратура иш ўрганувчиси, терговчиси лавозимида иш ўрганувчи, туман (шаҳар) прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорнинг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи лавозимларига тайинланиб, бир йилгача муддатда иш ўрганишни ўтайдилар ва мазкур муддат якунига кўра аттестациядан ўтадилар.

Иш ўрганиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

15) прокуратура органларида хизматдан бўшатиш асосларининг қатъийлиги ва қонунчиликда белгиланганлиги.

Амалдаги қонунчиликда прокуратура органларида хизмат ўташни тугатишнинг қатъий асослари белгиланган. Унга биноан Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ташаббуси билан хизмат ўташни тугатиш учун қуйидагилар асос бўладиган ҳолатлар сифатида хизматни ташкил этишдаги ўзгаришлар, прокуратура органлари ходимларининг (штатлар) сони қисқариши ёки хизмат хусусиятининг ўзгариши, прокуратура органи ходими томонидан хизмат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш, прокуратура органи ходимининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши ва бошқалар назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органларида хизматни тугатишнинг қонунчиликда белгиланган ҳолатлар рўйхати қатъий бўлиб, бошқа асос бўйича хизматни тугатишга йўл қўйилмайди.

Прокуратура органларида хизмат ўташнинг фақатгина асосий ўзига хос жиҳатлари юқорида санаб ўтилганлигини таъкидлаш жоиз.

Прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар бир нечта ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бундай ҳужжатларни уларнинг иерархиясидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) прокуратура органларида хизмат ўташни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари;

б) прокуратура органларида хизмат ўташни тартибга солувчи қонуности ҳужжатлар;

в) прокуратура органларида хизмат ўташни тартибга солувчи Бош прокурорнинг буйруқлари.

Бугунги кунга келиб прокуратура органларида хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар тарқоқ ҳолда бўлиб, турли даражадаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

- барча прокуратура органлари тизимига мансуб органларда хизмат ўташ тартибини бирхиллаштириш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш орқали мазкур қоидаларни ягона ҳужжатда жамлаш;

- халқаро стандартлар ва илғор хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси асосида барча прокуратура органлари тизимига кирувчи органларда хизмат ўташни тартибга солувчи қоидаларни “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда батафсил белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ключков М. А., Полетаев Ю. Н. Служба в органах и организациях прокуратуры Российской Федерации: трудовые отношения: учеб. пособие для вузов. М., 2019. С. 18.
2. С. П. Матвеев Организация государственной службы в органах прокуратуры Российской Федерации. Вестник ВГУ. 2021, №4. <https://doi.org/10.17308/vsu.proc.law.2021.4/3707>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5128310>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923>
6. Шобухин В.Ю. Некоторые проблемы правового регулирования службы в органах и организациях прокуратуры Российской Федерации. Российское право. Образование Практика Наука. 2017. №2. – С. 8-13. <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-problemy-pravovogo-regulirovaniya-sluzhby-v-organah-i-organizatsiyah-prokuratury-rossiyskoy-federatsii/viewer>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низом.

KONSTITUTSIYA – INSON SHA’NI, QADR-QIMMATI VA HUQUQLARINING MUSTAHKAM KAFOLATI.**Tashev Farruh Muzaffarovich**

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti “Xalqaro huquq va ommaviy huquq fanlari” kafedrasida katta o’qituvchisi Tel: +998 (91) 644-03-45

e-pochta: ftashev@uwed.uz

Rasulova Sarvinoz Sobirjon qizi

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti “Xalqaro huquq” fakulteti 1-kurs talabasi Tel: +998 (88) 321-82-28

e-pochta: sarvinozrasulova9999@gmail.com

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15103025>

Annotatsiya: Ushbu maqolada O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining fuqarolarga taqdim etgan asosiy huquq va erkinliklari keng tahlil qilinadi. Asosiy e’tibor inson huquqlarining huquqiy asoslariga, ularning kafolatlanish mexanizmlariga hamda fuqarolarning huquqiy ongini rivojlantirish masalalariga qaratilgan. Hujjatda konstitutsiyaviy huquqlarning ahamiyati, ularni amalga oshirish yo’llari va davlat tomonidan ta’minlanish mexanizmlari yoritib berilgan. Shuningdek, fuqarolarning jamiyat oldidagi majburiyatlari, huquq va erkinliklarning chegaralari hamda davlat va shaxs o’rtasidagi o’zaro munosabatlar tahlil etilgan. Mazmunan, ish amaldagi milliy qonunchilik hamda xalqaro huquq normalari asosida yuritilib, huquqiy savodxonlikni oshirishga qaratilgan tavsiyalarni o’z ichiga oladi. Ushbu hujjat nafaqat fuqarolarning o’z huquqlarini anglashiga, balki ularni himoya qilish va to’g’ri foydalanish ko’nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Kalit so’zlar: Konstitutsiya, Hammurabi qonunlari, Manu kodeksi, Ur-nami qonunlari, Varvar haqiqatlari, Avesto, Mu qonunlari, Tan qonunlari, O’n yovuzlik, Retro qonunlari, Solon, Drakont qonunlari, XII jadval qonunlari, Napoleon kodeksi, taolin talimoti, referendum, aybsizlik prezumpsiyasi, ekstraditsiya, eko huquq, huquqiy ong, huquqiy madaniyat.

Annotation: This article provides an in-depth analysis of the fundamental rights and freedoms granted to citizens by the Constitution of the Republic of Uzbekistan. The main focus is on the legal foundations of human rights, their guarantees, and the development of citizens’ legal awareness. The document highlights the significance of constitutional rights, the mechanisms for their implementation, and the ways in which the state ensures their protection. It also examines the responsibilities of citizens towards society, the boundaries of rights and freedoms, and the relationship between the state and individuals. The content is based on national legislation and international legal standards, offering recommendations aimed at enhancing legal literacy. This document not only helps citizens understand their rights but also equips them with the necessary skills to protect and effectively exercise them.

Key words: Constitution, Hammurabi's laws, Manu code, Ur-Nammu laws, Barbarian truths, Avesta, Mu law, Tan laws, Ten evils, Retro laws, Solon's laws, Draconian laws, Twelve tables laws, Napoleon code, taoist doctrine, referendum, presumption of innocence, extradition, eco law, legal consciousness, legal culture

Аннотация: В данной статье всесторонне анализируются основные права и свободы, предоставленные гражданам Конституцией Республики Узбекистан. Основное внимание уделено правовым основам прав человека, механизмам их гарантирования, а также вопросам развития правового сознания граждан. В документе освещается значение конституционных прав, способы их реализации и механизмы обеспечения со стороны государства. Также рассматриваются обязанности граждан перед обществом, границы прав и свобод, а также взаимоотношения между государством и личностью. По содержанию работа основана на действующем национальном законодательстве и нормах международного права, включает рекомендации, направленные на повышение правовой грамотности. Данный документ служит не только для осознания гражданами своих прав, но и для формирования навыков их защиты и правильного использования.

Ключевые слова: Конституция, Законы Хаммурапи, Кодекс Ману, Законы Ур-Намму, Варварские правды, Авеста, Законы Му, Законы Тан, Десять злодеяний, Ретроактивные законы, Законы Солона, Законы Дракона, Законы XII таблиц, Кодекс Наполеона, Учение Тао, Референдум, Презумпция невиновности, Экстрадиция, Экологическое право, Правовое сознание, Правовая культура.

Jahon huquqiy tizimida XX asrning ikkinchi yarmi va XXI asr boshlari voqeligining asosiy tendensiyalaridan biri inson huquqlarining xalqaro masaladan milliy qadriyatga aylanishidir. Aynan shu nuqtai nazardan, zamonaviy huquqiy tizimlarda inson huquqlarini kafolatlash eng ustuvor vazifalardan hisoblanadi. Xususan, roman-german huquqiy tizimiga mansub bo'lgan davlatlarning, jumladan, yurtimizning ham huquqiy tabiati bu amaliyotni Konstitutsiya orqali mustahkamlashdir. Zero, Konstitutsiya davlatning asosiy qonuni bo'lib, jamiyat va davlat tuzilishi, davlat hokimiyati, hokimiyatning bo'linish tamoyillari, davlat shakli, boshqaruv organlari va ularning vazifalari, ish faoliyatining asosiy prinsip va maqsadlari, vakolatlari, inson va fuqaro, ularning huquq va erkinliklari, burchlari va majburiyatlari o'z ichiga oladi. Davlatimiz rahbarining bosh qomusimiz to'g'risida "Yangilangan Konstitutsiyamizning chinakam muallifi xalqimiz bo'ldi. Eng muhimi, endi islohotlarimiz yo'lidan hech qachon ortga qaytmaymiz, "inson – jamiyat – davlat", degan yangi tizim asosida faqat va faqat oldinga qarab boramiz,"- degan chorlovlari konstitutsiyaning inson huquqlarini ta'minlashda nechog'lik ahamiyatli ekanligini ko'rsatdi. bugungi kunda inson qadr-qimmati, uning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash g'oyasi davlatimizning butun ichki va tashqi siyosatining tamal toshiga, yangi O'zbekistonda demokratik islohotlarning eng muhim harakatlantiruvchi kuchiga hamda ushbu ezgu sa'y-harakatlarni o'zaro

bogʻlab turuvchi muhim omiliga aylandi. Bu sa'y-harakatlarni rivojlantirish yoʻlida Oʻzbekiston Konstitutsiyasining inson huquqlariga taalluqli normalari 3,5 barobar oshirildi. Agar dunyo mamlakatlari Konstitutsiyalarida insonning 110 dan ortiq huquqi qayd etilganini hisobga olsak, hozirgi kunda shundan 90 tasi mamlakatimiz yangi tahrirdagi Konstitutsiyasida mavjud boʻlib, ulardan 40 tasi yangi konstitutsiyaviy huquqlardir¹. Ya'ni, Oʻzbekistonning yangi tahrirdagi Konstitutsiyasi – tom ma'noda o'zbekona "Inson huquqlari to'g'risidagi bill"ga aylandi, deyishga barcha asoslar bor.

Konstitutsiyada jamiyat hayotining barcha jabhalari: siyosiy, iqtisodiy, shaxsiy, ma'naviy-marifiy, moddiy, maishiy, mehnat faoliyati va boshqa sohalari jamlangan. Oliy yuridik kuchga ega boʻlgan qonun boʻlib, unda davlatchilikning huquqiy, ijtimoiy, siyosiy asoslari mustahkamlab qo'yiladi va mamlakatdagi birorta qonun, kodeks, normativ-hujjat, qaror, buyruq, farmon, farmoyish uni rad etishi yoki uning normalariga zid tarzda talqin etilishiga yo'l qo'yilmaydi. Huquqning rivojlanishi konstitutsiyadan boshlanadi, chunki u barcha qonunchilik hujjatlariga hayot baxsh etadi. Shuning uchun ham konstitutsiyaga qonunchilik tizimining poydevori ta'rifini berish o'rinlidir. Uch asosiy qadriyatlar shaxs, jamiyat, davlat hokimiyati o'rtasidagi o'zaro ijtimoiy munosabatlar ham konstitutsiya orqali ta'minlanadi, belgilanadi, tartibga solinadi va muhofaza etiladi. Shu bilan birga bu uch qadriyatning teng huquqliligi va o'zaro mas'ulligini, ular orasidagi muvozanatni saqlashga ko'maklashadi. Konstitutsiyada davlat suvereniteti, xalq hokimiyati, qonun ustunligi, tashqi siyosat tamoyillari asosiy prinsip sifatida mustahkamlab qo'yilgan. Xullas, konstitutsiya har bir davlatning mustaqilligi, suvereniteti va xalqaro maydondagi o'rnini mustahkamlovchi hujjatdir.

Bundan bir necha ming yil avval ham jamiyat va davlatni boshqarish uchun tartiblashtirilgan huquqiy normalar mavjud boʻlgan boʻlib, ogʻzaki yoki yozma tarzda tuzilganligi, harf yoki belgilarda ifoda etilganligidan qat'i nazar konstitutsiyaning ilk ko'rinishi sifatida e'tirof etish mumkin. Ularga misol qilib *Bobildagi Hammurapi qonunlari*, *Hindistondagi Manu kodeksi*, *Mesopotamiyadagi Ur-nami qonunlari*, *Franklar davlatining Varvar haqiqatlari*, *Sharqda Avesto*, *Xitoydagi Mu qonunlari*, *Tan qonunlari*, *O'n yovuzlik*, *Spartadagi Retro qonunlari*, *yunonlarning Solon*, *Drakont qonunlari*, *rimliklarning XII jadval qonunlari* va boshqa bir qancha qadimiy huquq manbalari misol bo'la oladi. Chunki bu manbalarning barchasi o'z ichiga ijtimoiy hayotning eng muhim sohalari bo'lgan oila va nikoh masalalarini ham, mulkiy huquq va majburiyatlarni ham, shartnomalarni ham, jinoyat va jazo tushunchalarini ham qamrab olgan. Eramizdan avvalgi **XVIII asrda** yozilgan Hammurapi qonunlarini olaylik; 282 moddadan tashkil topgan bu qonunda oila huquqi, mulk huquqi, jinoyat huquqiga alohida boblar ajratilgan boʻlib, huquqbuzarlik deb topilishi uchun asoslar, huquqbuzarlik uchun belgilanadigan jazolar batafsil yoritib berilgan. Muammo shundaki, belgilangan jazolar **"taolin" tamoyili** (ko'zga ko'z, tishga tish, qonga qon, jonga jon)ga asoslangan boʻlib, bu inson huquqlariga, eng asosiysi, demokratiyaga zid hisoblanadi². Boshqa qadimiy

¹ <http://www.insonhuquqlari.uz/oz>

² <https://library-tsul.uz/huquq-tarixi-muhamedov-h-2023/>

huquq manbalarida ham xuddi shunday yoki undan ham qat'iy va shavqatsiz, insonparvarlik prinsipiga qarshi chiquvchi, ijtimoiy tengsizlikka asoslangan, tabaqalashtirilgan noteng jazolar kuzatilgan. Nisbatan zamonaviy va demokratik huquq manbalari esa *Fransiyadagi Napoleon kodekslari, Germaniyadagi Fuqarolik kodeksi, AQSH konstitutsiyasi, Angliya'dagi Huquqlar to'g'risidagi bill* misol bo'la oladi. Shu sababdan Yaponiya va Janubiy Koreya o'z konstitutsiyasini Germaniyaning Fuqarolik kodeksidan, bizning davlatimiz esa Fransiya qonunchiligidan namuna olgan. Xullas, demokratik huquqiy jamiyatni ta'minlovchi mukammal konstitutsiya paydo bo'lguniga qadar shuncha yo'lni bosib o'tib mukammallashdi va xalq hokimiyatchiligi qalqoniga aylandi.

Hozirgi kunda dunyoda 195 ta davlat bo'ladigan bo'lsa, har biri o'zining davlat konstitutsiyasiga ega. Chunki davlatni davlat sifatida bildirib turuvchi belgilaridan biri bu konstitutsiyaning mavjudligidir. Har bir davlat konstitutsiyasi tuzilishi, o'z ichiga olgan sohalari, siyosiy tartiblari, ijtimoiy strukturasi, tarixiy va madaniy xilma-xilligi tufayli bir biridan farq qiladi. Masalan, AQSH konstitutsiyasi qisqa va umumiy tamoyillardan iborat bo'lib, AQSH sud pretidenti amal qilganligi uchun har bir shtatning alohida konstitutsiyasi mavjud¹. Hindiston konstitutsiyasi esa eng uzun va batafsil yozilgan, ijtimoiy-madaniy guruhlar ehtiyoji hisobga olingan, diniy xilma-xillik ham e'tiborga olingandir. Dunyo davlatlari konstitutsiyalari tarixiy kelib chiqishi, madaniy, etnik o'ziga xosligi, mavjud siyosiy rejim tufayli bir biridan farq qilsada, ularni bir umumiy narsa bog'lab turadi: jamiyat, davlat, fuqarolar manfaatini himoya qilib, ularning o'zaro munosabatlarini qo'llab-quvvatlash, zarur bo'lganda cheklashdan iboratdir.

O'zbekiston Respublikasining hozirgi yangi tahrirdagi qomusi **2023-yil 30-aprel** kuni o'tkazilgan referendumda fuqarolarning **90.21 foizi** yoqlab ovoz bergani hisobiga amalga kiritilganligi konstitutsiyada Yangi O'zbekistonni barpo etish yo'lidagi xalqning orzu-intilishlari va maqsadlari ro'yobidan umiddir². Konstitutsiya yurtimiz taraqqiyoti, xalqimiz farovonligi rivojiga xizmat qilishi, eng avvalo esa "Inson qadri uchun" g'oyasini ustuvor yo'nalish sifatida belgilashi kutildi. Darhaqiqat, shu maqsadda insonning qadr-qimmatini, sha'ni va g'ururi ustuvor maqsad qilib olinib, izchil va puxta o'ylangan, bir necha bosqich davomida ishlab chiqilgan Bosh qomusimizning yangi tahrirdagi variantida moddalar 128 tadan 155 taga, normalar soni esa 275 tadan 434 taga ko'paydi. Shuningdek, 128 ta moddadan 91 tasiga konseptual o'zgarish kiritildi. Konstitutsiya matni 65 foizga yangilandi³. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev **2023-yil 16-noyabrda** imzolagan "**O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida**"gi farmoyishda "Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi davlatchilik, ijtimoiy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va sud-huquq sohaslarini bundan keyin ham barqaror rivojlantirish uchun mustahkam zamin yaratdi" deya e'tirof etishi konstitutsiyaning xalqchil davlat va farovon hayotni

¹ <https://unimelb.libguides.com/USALegalResearchGuide>

² <https://lex.uz/docs/-6445145-> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi

³ <https://fyut.uz/?p=10799>

ta'minlash yo'lidagi ko'makchi ekanligidan dalolat beradi¹. Insonlarning farovon hayot kechirishlari uchun turmush sharoitlaridagi tabaqalanib ketishning oldini olishni maqsad qiladigan, bu yo'lda aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamini o'z himoyasiga oladigan insonparvar davlatning yangi tahrirdagi konstitutsiyasi o'zida muhim demokratik o'zgarish va qo'shimchalarni jamlagan. Advokatura bobining qo'shilishi fuqarolarning o'z huquq va erkinliklarini samarali himoya qilish va aholining huquqiy savodxonligini oshirish, adolatli va shaffof hukmga erishish orqali inson qadr-qimmatini oliy darajaga qo'yishdek ezgu yo'ldagi yirik qadam bo'ldi. Konstitutsiyaning II bo'limi ***"Inson va fuqarolarning asosiy huquqlari, erkinliklari va burchlari"*** aynan jinoyat, sud, sudlanganlik oqibatlari, jazoga tortishlik to'g'risida so'zlaydi. 28-moddada ***"Isbotlanmagan aybdorlik – aybsizlik"*** tamoyili ostida gumonlanuvchining aybi isbotlanmaguncha aybsizligi Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 23-moddasiga amal qilinayotgani va jinoyat qilganlikda ayblanuvchi shaxslarning huquqi xalqaro standartlarga mos ravishda himoya qilinayotganidan darak. 30-moddada esa hech kimning rasmiy e'lon qilinmagan qonun asosida hukm qilinishi, jazoga tortilishi, mol-mulkidan yoki biron-bir huquqidan mahrum etilishi mumkin emasligi ham Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 6-moddasiga muvofiq. Shu moddada shaxsning o'z oila a'zolariga qarshi guvohlik berishga yoki aybsiz ekanligiga ishontirishga majbur emasligi orqali sukut saqlash huquqidan foydalanishi ham, o'z aybini tan olganligi isbotlar mavjud bo'lmagan holda qabul qilib hukm chiqarilmasligi ham, sudlanganligidan kelib chiquvchi oqibatlar oila a'zolarining manfaatlariga to'qnash kelib, huquqlari cheklanishiga sababchi bo'lishiga yo'l qo'yilmasligi ham inson sha'ni, qadr-qimmatini himoyada ekanligidan darakdir. 27-moddadagi hech kimning qonunga asoslanmagan holda hibsga olinishi, ushlab turilishi, qamoqqa olinishi, qamoqda saqlanishi yoki uning ozodligi boshqacha tarzda cheklanishi mumkin emasligi, shuningdek, 29-moddadagi davlat hisobidan yuridik yordam, advokat va tarjimon xizmatidan foydalanish kafolati, eng muhimi, dalillarni faqat qonuniy asosda qo'lga kiritilganlaridan foydalanish kerakligi sud-huquq tizimini isloh qilishdagi yirik qadam bo'ldi. Bo'limni ochib beruvchi 19-moddada barcha fuqarolarning jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodidan qat'i nazar teng huquq va erkinliklarga egaligi va bu huquqlar tug'ilgan paytdan boshlab shaxsga tegishli bo'lishi e'tirof etilgan. Yana boshqa muhim shaxsiy huquqlardan 26-moddada aytib o'tilgan qiynoqqa solinmaslik, zo'ravonlik, shavqatsiz, g'ayriinsoniy yoki inson qadr-qimmatini kamsituvchi muomala yoki jazoga duchor etilmaslik, 31-moddadagi shaxsiy hayot daxlsizligi, yozishma, shaxsiy ma'lumotlar oshkor qilinmasligi, no'to'g'ri ma'lumotlar tarqatilmasligi huquqiy demokratik davlat belgisigina bo'lib qolmay, insonning individualligi, shaxsiyati, xavfsizligini mustahkamlab beradi. E'tiborlisi, 37-moddada davlat xizmatiga kirishda fuqarolarning teng huquqliligi barcha fuqarolarning davlat va jamiyat boshqaruvida ishtirokida dominantlikni mustahkamlaydi. 42- va 58-moddalarda esa mehnat huquqida, davlat boshqaruvida ayollarni diskriminatsiya qilmaslikka urg'u berilganligi yangilangan qomusimizning yutug'i desak mubolag'a bo'lmaydi. 49-modda orqali atrof-muhit muhofazasi,

¹ <https://lex.uz/en/docs/-6663721>

ayniqsa, Orolbo‘yi mintaqasining ekologik tizimini tiklashga qaratilgan bandlarning mavjudligi ekologik huquqning asosiy ifodachisidir¹. Xullas, konstitutsiyada insonning barcha manfaatlari hisobga olingan holda har sohada inson va fuqaro huquq va erkinliklari ta‘minlanadi, hurmat va himoya qilinadi.

Qomusimizning uchinchi bobida Konstitutsiya va qonunning ustunligi haqidagi norma o‘z ifodasini topgan. Bu esa, mamalakatimizda amalga oshirilayotgan tub islohotlar, yurtboshimiz tomonidan ishlab chiqilgan 2017-2021 yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha “Harakatlar strategiyasi”da belgilangan Davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlari, shuningdek jamoatchilik boshqaruvi tizimini takomillashtirish: qonun ustuvorligini ta‘minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilish sohasidagi ustuvor yo‘nalishlarining qonuniy ifodasidir². Huquq bor joyda, albatta, majburiyat ham bo‘ladi, chunki inson manfaaatlariga bir biriga o‘zaro bog‘liq va tutash, birining huquqi boshlangan joyda boshqasining burch va majburiyatlari boshlanadi yoki huquqlari ma‘lum doirada cheklanadi. 60-modda aynan shuning misolidir. Darvoqe, fuqarolarning davlat oldidagi burchlarini nazardan qochirmasligimiz lozim. Tarixiy, madaniy, ma‘naviy, ilmiy va tabiiy merosning davlat muhofazasidaligi, zarar yetkazmaslikni ta‘minlasa soliq va yig‘imlarni o‘z vaqtida va to‘liq to‘lash davlat byudjetini saqlashga yordam beradi. Har bir fuqaroning burchi hisoblangan harbiy yoki muqobil xizmat esa vatanparvarlik, yurt oldida xizmat, mas‘uliyatni ta‘minlaydi. Qisqacha qilib aytganda, Konstitutsiyada inson va fuqarolarning huquqlari va burchlari o‘rtasidagi muvozanat ta‘minlangan.

Yangi konstitutsiya yirik masshtabli islohotlarni o‘z ichiga olgan bo‘lsada bir qancha qo‘shimchalar kiritilsa nur ustiga a‘lo nur bo‘lar edi. Avvalo, ekstraditsiya to‘g‘risida moddalar qo‘shilishi lozim. Chunki, birinchidan bu xalqaro munosabatlarda davlat o‘rtasida muvozanatli kelishuvga erishishga zamin yaratadi, ikkinchidan global darajadagi muommalardan halos bo‘lish yoki oldini olish choralari tashkil etishda xizmat qiladi. Zero, Turkiya, Rossiya, Afg‘oniston, Qozog‘iston va shu kabi bir necha strategik ahamiyatli davlatlar bilan ekstraditsiya to‘g‘risida shartnoma imzolangan. Shuningdek, Yer yuzidagi global muammo-ekologiyaga jiddiy putur yetishini oldini olish uchun eko huquq va maburiyatlar joriy etilishi lozim.

Davlatimiz rahbarining Konstitutsiyaning shunchaki mavjudligi jamiyatda tartibotga erishish uchun juda kamlik qiladi, eng avvalo, davlatda yashovchi barcha fuqarolar konstitutsiyani bilishi, qonunlar mohiyatini tushunishi, jamiyatda bo‘ladigan siyosiy jarayonlardan boxabar bo‘lishi, tarixiy xususiyatlarni ham anglagan holda qonunlar evolyutsiyasini tahlil qilish va hozirgi kun bilan qiyoslash lozim. “Konstitutsiya – bu davlatimiz mustaqilligi va xalqimiz erkinligininig huquqiy poydevori, jamiyatimiz tarraqqiyotining asosiy kafolati hisoblanadi... Konstitutsiya-bu faqat qonunlar to‘plami emas, balki xalqimizning orzu-intilishlari va kelajakka bo‘lgan ishonchining ifoda etuvchi hujjatdir deya e‘tirof etishi

¹ <https://lex.uz/docs/-6445145-> O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi

² <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsiya-mamlakatimizda-amalga-oshirilayotgan-demokratik-yangilanishlar-poydevori>

konstitutsiyaning nechogʻlik ahamiyatli ekanligini ifodalaydi. Umumlashtirib aytganda, jamiyat aʼzolarining huquqiy ong va madaniyatini yuksaltirish kerak. Mamlakatda huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini shakllantirish jarayoni ham fuqarolar huquqiy ong va madaniyatiga aloqadordir. 2019-yil 9-yanvar kuni Prezidentimiz tomonidan “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish toʻgʻrisida”gi farmonga imzo chekildi. Davlatimiz rahbari oʻz nutqlarida huquqiy madaniyatning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyatini quyidagicha taʼriflagan: ”Huquqiy madaniyatni oshirmasdan, fuqarolarimizning huquqiy ongini shakllantirmasdan turib, hech qachon taraqqiyotga erishib boʻlmaydi. Har bir inson qonunlarga hurmat bilan qarashi, oʻz huquq va erkinliklarini himoya qilishni bilishi va qonun oldida masʼuliyatni toʻliq anglab yetishi lozim”¹.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Inson huquqlari boʻyicha Oʻzbekiston Respublikasi Milliy markazi rasmiy sayti. <http://www.insonhuquqlari.uz/oz/news/m11846>
2. Haydarali Muhammedov. “Huquq tarixi”. 2023-yil. <https://library-tsul.uz/huquq-tarixi-muhamedov-h-2023/>
3. The university of Melbourne. Library. <https://unimelb.libguides.com/USALegalResearchGuide>
4. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 30.04.2023. <https://lex.uz/docs/-6445145->
5. Fargʻona viloyati yuridik texnikumi sayti. <https://fyut.uz/?p=10799>
6. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni bayramiga tayyorgarlik koʻrish va uni oʻtkazish toʻgʻrisida Prezident farmoyishi. 16.11.2023 <https://lex.uz/en/docs/-6663721>
7. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 30.04.2023. <https://lex.uz/docs/-6445145->
8. Konstitutsiya – mamlakatimizda amalga oshirilayotgan demokratik yangilanishlar poydevori. Poyanov Olim va Maqsudova Gulbahor hammuallifidagi maqola. <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsiya-mamlakatimizda-amalga-oshirilayotgan-demokratik-yangilanishlar-poydevori>
9. “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish toʻgʻrisida”gi Prezident farmoni. 10.01.2019. <https://lex.uz/ru/docs/-4149765>

¹ <https://lex.uz/ru/docs/-4149765>

JINOYAT PROTSESSIDA AYRIM TERGOV HARAKATLARINI OLIB BORISHNING KRIMINALISTIK METODLARI

Hakimov Zarif Sharifboyevich

Buxoro davlat universiteti “Yurisprudensiya” kafedrası o‘qituvchisi

zarifsharifboyevich22@gmail.com

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15103020>

Annotatsiya: Ushbu maqolada jinoyat protssesi, tergov harakatlari, jinoyatlarni tergov qilish uslubiyoti va ayrim tergov harakatlarida qo‘llaniladigan kriminalistik metodlar to‘g‘risida ma’lumotlar keltirib o‘tiladi.

Kalit so‘zlar: tergov harakatlari, kriminalistik metodlar, tanib olish, taktika, uslub.

КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ МЕТОДИКА ПРОВЕДЕНИЯ ОТДЕЛЬНЫХ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Хакимов Зариф Шарифбоевич

Преподаватель кафедры «Юриспруденция» Бухарского государственного
университета

Аннотация: В статье изложены сведения об уголовном процессе, следственных действиях, методике расследования преступлений, а также о криминалистических методах, применяемых при производстве отдельных следственных действий.

Ключевые слова: следственные действия, криминалистические методы, опознание, тактика, метод.

CRIMINALIST METHODS OF CONDUCTING CERTAIN INVESTIGATIVE ACTIONS IN CRIMINAL PROCESS

Hakimov Zarif Sharifboyevich

Teacher of the Department of “Jurisprudence” of Bukhara State University

Abstract: This article provides information on the criminal process, investigative actions, the methodology of investigating crimes, and the forensic methods used in certain investigative actions.

Keywords: investigative actions, forensic methods, identification, tactics, method.

Kirish: Jinoyat protsessi - surishtiruv organlari, tergovchi, prokuror va sudning jinoyat-protsessual qonun hujjatlariga asoslangan hamda muayyan tartib va tizimga ega bo'lgan faoliyati, ushbu faoliyat munosabati bilan unga u yoki bu darajada jalb etilgan barcha shaxslar o'rtasida yuzaga keluvchi huquqiy munosabatlar.

Ushbu faoliyat va munosabatlar ixtiyoriy ravishda kechmaydi, balki jinoyat-protsessual qonun hujjatlarining normalariga muvofiq va ularda belgilangan tartib bo'yicha amalga oshiriladi.[1:5] Surishtiruvchi, tergovchi, prokuror jinoyat-protsessual qonun talablariga muvofiq amalga oshiradigan, jinoyat ishining holatlarini aniqlash uchun ahamiyatga ega faktik ma'lumotlarni topish, tekshirish va qayd etishga qaratilgan protsessual harakatlar tergov harakatlari deyiladi. Ushbu harakatlarni amalga oshirish chog'ida hal qilinadigan vazifalariga ko'ra, harakatlarning o'zi ikki mustaqil guruhga bo'linadi: Surishtiruv organi, tergovchi yoki prokuror dastlabki (sudgacha bo'lgan) tartibda dalillarni aniqlash, tekshirish va qayd etish bilan bog'liq vazifalarni hal qilishda foydalanadigan va tadqiqot xususiyatiga ega bo'lgan tergov harakatlari. Avvalo, ishda ishtirok etuvchi shaxslarning huquqlarini ta'minlashga qaratilgan boshqa tergov harakatlari. Birinchi guruh tergov harakatlariga batafsilroq to'xtalamiz. Dalillarni aniqlash, qayd etish va tekshirishda foydalaniladigan tergov harakatlari quyidagilardir:

So'roq qilish (guvoh, jabrlanuvchi, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, ba'zan esa mutaxassis va ekspertni), yuzlashtirish, tanib olish uchun ko'rsatish, ko'rsatuvlarni hodisa sodir bo'lgan joyda tekshirish, ko'zdan kechirish, guvohlantirish, murdani eksqumatsiya qilish, eksperiment, olib qo'yish, tintuv o'tkazish, telefonlar va boshqa so'zlashuv qurilmalari orqali olib boriladigan so'zlashuvlarni eshitib turish, ekspertiza, ekspertiza tadqiqoti uchun namunalar olish, narsalar va hujjatlarni taqdim etish, ishga narsa va hujjatlarni ashyoviy va yozma dalillar sifatida qo'shib qo'yish.

Biroq ushbu guruhga kiruvchi tergov harakatlarini shartli ravishda yana to'rt guruhga bo'lish mumkin. Ushbu tasnifni S. A. Sheyfer ishlab chiqqan bo'lib, u tergov harakatlarini:

- 1) faktik ma'lumotlarni aks ettirish usuli bo'yicha;
- 2) axborotning xususiyati bo'yicha;
- 3) aks ettiriladigan obyektlarning murakkabligi bo'yicha;
- 4) tergov harakatining maqsadi bo'yicha guruhlarga bo'ladi.[2:122]

Adabiyotlar tahlili: O'zbekiston Respublikasining Jinoyat Protsessi Sh.T.Ikramovning umumiy tahriri ostida mualliflar jamoasidan iborat ushbu darslikda Yuridik fanlari nomzodi D.M.Mirazov tomonidan VI-bobida Tergov harakatlari-isbotlash vositalari. Tergov harakatlari, ularning turlari va tizimi, so'roq qilishning umumiy qoidalari, tergov harakatlarida qo'llaniladigan kriminalistik metodlar haqida ma'lumotlar keltirib o'tilgan.

Kriminalistika darslik Mualliflar jamoasi Bazarova D.B tomonidan 22-mavzusida bayon etilgan Jinoyatlarni tergov qilish kriminalistik uslubiyoti, Jinoyatlarni tergov qilishning xususiy kriminalistik uslubiyotlarni tuzish va tasniflash tamoyillari, jinoyatlarni tergov qilishdagi xususiy kriminalistik uslubiyotlarning tarkibiy tuzilishi. Kriminalistik uslubiyotni o'rganadigan qonuniyatlari o'z xususiyatiga ko'ra ikki qismdan: umumiy qoidalar va jinoyatlarni tergov qilishning xususiy (turga oid) uslubiyotlar tizimidan iboratligi o'qib o'rganildi.

Muhokama va natijalar: Metod – bu ma'lum maqsadga erishish uchun tabiat va ijtimoiy hayotdagi hodisalarni tadqiq etish usullari degan ma'noni anglatadi. Faqat tadqiqot natijalari emas, balki unga olib boradigan yo'l ham haqiqiy bo'lishi kerak. Kriminalistikada turli xil metodlar qo'llaniladi, ularni tasniflashda, eng avvalo, kriminalistikaning fan va amaliyot borasidagi metodlarini farq qilish kerak. Ulardan foydalanish imkoniyatlari tergov harakatlarini amalga oshirish maqsadi, shart-sharoiti va usullari bilan belgilanadi. Masalan, tergov eksperimenti amaliy faoliyat metodi sifatida faqat protsessual qonun bilan qat'iy tartibga solingan holda qo'llaniladi va ish uchun ahamiyatli bo'lgan ma'lumotlarni tekshirish hamda aniqlab olish maqsadida amalga oshiriladi. Kriminalistikada metodlar quyidagi talablarni qanoatlantirishi

kerak. Qat'iy ilmiy asosga suyanish, qonunlarni buzmaslik, axloq normalariga rioya qilish, xavfsiz bo'lish. Kriminalistikada qo'llaniladigan metodlar tasnifi turli asoslarga ega. Ular mazmuniga ko'ra umumilmiy va maxsus turlarga bo'linadi. Umumilmiy metodlarning muayyan turlariga kuzatuv, qiyoslash, o'lchash, tasvirlash, eksperiment o'tkazish, modellashtirish va boshqalar kiradi. Ilmiy-texnika taraqqiyoti asrida faqat umumilmiy tadqiqot metodlari emas, balki maxsus metodlardan foydalanish ham o'sib bormoqda. Ulardan ba'zilari paydo bo'lsa, boshqalari modifikatsiya oqibatida tubdan o'zgaradi, uchinchi o'z ahamiyatini yo'qotadi.

Kriminalistikaning o'zida ishlab chiqilgan maxsus metodlar jumlasiga sud-fotografiya, trasologiya, sud-ballistikasi va boshqalar kiradi. Masalan, tergov va ekspert amaliyotida sud-fotografiyasi tomonidan tashkil etilgan tanib olish (signaletik), mikrosyomka, fotografik rang ajratish, qiyin sharoitlarda fotografiyadan foydalanish va boshqa metodlar mavjud. Endilikda ayrim tergov harakatlarida foydalaniladigan kriminalistik metodlar to'g'risida to'xtalib o'tsak.

Tintuv tushunchasi va uning turlari. Tintuv keng tarqalgan tergov harakatidir. Tergovchi qandaydir joyda, boshqa yerda yoki biror shaxsda jinoyat quroli, predmeti, jinoiy yo'l bilan orttirilgan boyliklar yoki ishga aloqador boshqa predmet va hujjatlar borligiga yetarli asoslari bo'lsa, ularni topish va olish uchun tintuv o'tkazadi. Tintuv shuningdek, qidirilayotgan shaxsni yoki murdani topish uchun ham o'tkazilishi mumkin. Tintuv obyektning xususiyatlari va qidiruv ishlarining o'ziga xos turlariga ko'ra bir necha turga bo'linadi: turar joylarda va boshqa imorat-inshootlarda, ochiq joyda, takroriy kechiktirib bo'lmaydigan vaziyatlarda prokurorning sanksiyasiz "shoshilinch" tintuv, bir vaqtli (uni yana «guruhli» deb ham atashadi), ya'ni biror bir jinoiy ish doirasida yagona reja asosida va birdaniga bir necha tintuvlarni o'tkazish, diplomatik vakolatxona binolari va hududida shaxsiy tintuv. Tintuvning asosiy taktik qoidasi uning qo'qqisidan o'tkazilishi va kutilmaganligidadir. Tintuvni tergovchi tomonidan qo'qqisidan va kutilmaganda amalga oshirilishi jinoyat sodir etgan shaxsni berkinishi, manfaatdor shaxslar tomonidan ashyoviy dalillarni yashirish yoki yo'q qilishiga yo'l qo'ymaydi. Shuning uchun, tintuvga tayyorgarlik ko'rish vaqtida tergovchi uning tasarrufidagi

ma'lumotlarga asoslanib tintuv o'tkaziladigan joyga qo'qqisdan, yashirin borishning va u yerga tez, to'siqlarsiz kirishning yo'llarini izlashi kerak. Agar tintuv qilinuvchi shaxs to'sqinlik qilishi yoki qurolli qarshilik ko'rsatishi ehtimol bo'lsa, u holda bunday holatlarni ogohlantirish va oldini olish chora-tadbirlari ishlab chiqilishi kerak. Qidiruv vaqtida tergovchi biror-bir joyda yashirin joy borligiga asos bo'luvchi turli xil salbiy holatlarni, izlarni e'tibordan qochirmasligi zarur. Masalan, yam-yashil o'tlar orasida sarg'aygan o'tli hudud, tomorqadagi yangi qazilgan joy, devorning yangi gulgog'oz yopishtirilgan qismi, pol taxtalarining biridagi mixlarning yangi yaltillovchi qalpog'i va boshqalar tergovchining e'tiborini o'ziga jalb etishi hamda mazkur obyekt yoki hudud qismini sinchkovlik bilan tekshirish uchun asos bo'lishi zarur. Murda ko'milgan joyni uy hayvonlari va parrandalarning o'zlarini besaranjom tutishlari ham ko'rsatishi mumkin.[4:288] Tintuvga tayyorgarlik ko'rish: Tintuv obyekti va narsalari, tintuv qilinayotgan shaxs to'g'risida zarur yo'naltiruvchi ma'lumotlarni to'plash. Qaror chiqarish, prokuror sanksiyasini olish. Tintuv vaqtini belgilash. Tintuv haqidagi axborot tashqariga chiqmasligini ta'minlash. Tintuv ishtirokchilarini tanlash, ularga vazifalarini taqsimlash va yo'l-yo'riq berish. Tintuv o'tkazish rejasini tuzish, ehtiyotkorlik va tintuv ishtirokchilarining xavfsizligi choralari ko'rish. Texnik vositalarni, transport, aloqani tayyorlash. Tintuv o'tkaziladigan joyga kelish binoga kirish. O'z hujjatlarini ko'rsatish, o'tkaziladigan tintuv haqida ogoh etish, bino egasini qaror bilan tanishtirish, barcha ishtirokchilarni bir xonaga to'planishga taklif etish, har bir kishining shaxsini aniqlash; ularning huquq va majburiyatlarini tushuntirish. Bino egasiga qidirilayotgan narsalarni topshirishni taklif etish. Tintuv o'tkaziladigan bino bilan tanishuv. Qidirilayotgan narsalar saqlanishi ehtimol tutilgan joylarni belgilash. Tintuv rejasini aniqlash. Tintuv o'tkazuvchilar o'rtasida vazifalarni taqsimlash va ularga yo'l-yo'riqlar berish. Qidiruv o'tkazish (binoni, uning tarkibiy qismlari va alohida narsalarni ko'zdan kechirish). Tintuv jarayoni va natijalarini qayd etish.

Tanib olish uchun ko'rsatish tartibi va taktik usullari. Turli xil jinoyat ishlarini tergov qilish jarayonida tez-tez odamlarni, buyumlarni, murda va boshqa obyektlarni aynanligini belgilash maqsadida tanib olish uchun ko'rsatish deb nom olgan harakatni

o'tkazishga to'g'ri keladi (JPKning 125-131 moddalarini). Mazkur tergov harakati Tanib olish uchun ko'rsatilayotgan obyektning tergov qilinayotgan faktga bog'liq ekanligini aniqlash maqsadida amalga oshiriladi. Masalan, jabrlanuvchiga ko'rsatilayotgan shaxs aynan talonchilik maqsadida unga hujum qilgan shaxs ekanligi aniqlanadi. Mazkur harakatning mazmuni tanib oluvchi tomonidan uning xotirasidagi obraz bilan u yoki bu obyektning bir-biriga solishtirishdan iboratdir.

Barcha tergov harakatlari kabi tanib olish uchun ko'rsatishda ham tayyorgarlik talab qilinadi. Dastlab tanib oluvchidan tanilishi lozim bo'lgan obyekt va uning belgilari to'g'risida ma'lumotlarni bilib, tahlil etish, zarur bo'lsa uni qayta so'roq qilish maqsadga muvofiq. So'roqda imkon boricha obyektning belgilari batafsil aniqlanishi kerak. Tanib olish uchun shaxs ko'rsatiladigan bo'lsa, uning belgilarini kriminalistikada odamning tashqi qiyofasini so'z bilan ifodalash qoidalariga rioya qilib, izchillik bilan birin-ketin so'rab bilish, maxsus suratlar yordamida shakli, joylashishi kabilarni aniq tasvirlash maqsadga muvofiq.

Tirik shaxslarni tanib olish uchun ko'rsatish tartibi. JPK 125 va 127-moddalari talablaridan kelib chiqqan holda, shuningdek, obyekt qaysi belgilariga muvofiq tanilishi mumkinligiga bog'liq holda belgilanadi. Tanib oluvchi ko'rsatish lahzasigacha taniluvchini ham, ular orasida ko'rsatiladigan shaxslarni ham ko'rmagan bo'lishi kerak [4.325-329].

Xulosa. Kriminalistikaning umumiy vazifasi – jinoyat huquqi va jinoyat protsessi bilan hal etiladigan vazifalarga mos keladi hamda jinoyat sud ishlarini yuritish vazifalaridan kelib chiqadi va jinoyatni tez va to'la ochishga ta'sir ko'rsatishdan, aybdorni fosh qilish va qonunni to'g'ri joriy etishni ta'minlashdan, shaxs, uning huquqi va erkinliklari, mol-mulkini, shuningdek jamiyat va davlatning manfaatlarini jinoiy tajovuzlardan himoyasini ta'minlashdan iborat. Jinoyatlarni tez va to'la ochishga erishish — bu tayyorlanayotgan yok sodir etilgan jinoyatning haqiqiy manzarasini ochish va ish yuzasidan haqiqatni tiklash. Sud muhokamasiga qadar jinoyatni ochishda tezkor-qidiruv va tergov organlari ishtirok etadi. Ulardan har biri o'z protsessual vakolati doirasida harakat qiladi, bunda ular o'zlariga xos vosita, usul va metodlarni qo'llab, jinoyat to'la ochilishning umumiy vazifalarini hal qilishda

hissalarini qo‘shadilar. Ayrim turdagi tergov harakatlarini olib borishda kriminalistik metodlar foydalanish juda muhim hisoblanadi. Bu metodlar jinoyat ishining ochilishida vazifa sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ikramov Sh.T. umumiy tahriri ostida. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat protsessi. – Toshkent.: O‘zbekiston Respublikasi IIV akademiyasi, 2013. 586 b.
2. Keltirilgan manba.
3. Bazarova D (mualliflar jamoasi). Kriminalistika. Toshkent: TDYU, 2018. 515 b.
4. Abdumajidov G‘.A. Kriminalistika. 1-jild. – Toshkent: Adolat, 2003.362 b.
5. Rustamboyev M.X., Norboyev A. Kriminalistika (sxemalar). – Toshkent.: Toshkent Davlat yuridik instituti, 2002. 247 b.



ISSN 2181-0958

Doi Journal 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

6 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 6, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 6, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

